



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 29 май, № 113 (7615)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



РАҚОБАТ – БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ҚАТЪИЙ ЎТИШ ЖАРАЁНИДА ПРИНЦИПИАЛ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 28 май куни иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти билан алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бу эса ички бозорда рақобат муҳитини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишни талаб этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида рақобат масаласи принципиал аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Мени ташвишлантирадиган масала шуки, корхоналаримиз ташқи рақобатга бардош бера оладими? Четдан товар кириб келса, юртимизда ишлаб чиқарилган ҳудди шундай маҳсулот унга рақобатчи бўла оладими? Маҳаллий маҳсулотларнинг таннархини пасайтирсак, хориждан ўзлари олиб кетишади, — деди Президент.

Бугунги кунда 31 та товарлар групуху ва 82 турдаги хизматлар бозориди 245 та корхона монопол ҳолатда сақланиб қолмоқда. Лекин бир қатор йўналишларда рақобат муҳити шаклланиб бўлган 19 хил маҳсулот ва хизматлар бўйича 70 та корхонани монополистлар реестридан чиқариш мумкин.

— Рақобат бўлмаса, сифат бўлмайди, нарх түшмайди. Замон ўзгарапти, лекин монопол корхоналар ўзгара олмапти. Қатъий чоралар кўриш вақти-соати келди. Иқтисодиётда бу ҳаёт-маомтидиси. Агар рақобатлар шунга муносиб бўлса, ишлайди, бўлмаса — кетади, — деди Президент.

Йиғилишда корхоналарнинг бозордаги монопол мавқеини аниқлаш бўйича ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, монопол товарлар рўйхатини кескин қисқартиришга қаратилган "Йўл харитаси"ни тасдиқлаш вазифаси белгиланди.

— Дунё тажрибасини ўрганиб, ўз йўлимизни топишимиз зарур. Монополиядан чиқариш, рақобатни таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича яқдлий йўналишимиз бўлиши керак, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлат иштирокидаги корхоналарда

монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан барча раҳбарларни рақобат асослари ва комплаенс бўйича ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

— Қачон рақобатга тайёр бўламиз? Соҳа ва тармоқларимиз тайёр бўлса. Соҳалар қачон тайёр бўлади? Мутахассислар бўлса. Энг заиф жойимиз: малакали мутахассислар етишмайди, технология йўқ, стандартлар йўқ. Шунинг учун бу соҳани деярли бошидан бошлашимиз керак, — деди Президент.

Рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш борасида мутлақо янги тизим яратиш лозимлиги таъкидланди. Олий таълим тизимида рақобатни ривожлантириш йўналиши бўйича алоҳида факультет, кундузги ва сиртки ўқиш шакллари очиш, янги фан жорий қилиш ва ушбу мақсадлар учун академик соатлар ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабиди монопол корхоналар раҳбарлари ва ҳокимлар учун рақобатни ривожлантириш йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиб, ўқув жараёнига халқаро молия ташкилотларидан эксперт ва профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Рақобат соҳасига оид низоларнинг малакали кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Тошкент юридик университетида шу йўналиш бўйича судьялар малакасини ошириш, судьяларни ушбу йўналишда ихтисослаштириш ва алоҳида суд коллегиясини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Иқтисодиётда имтиёزلардан самарали фойдаланиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Масалан, имтиёздан фойдаланган 23 та ёр-мой корхонасида янги иш ўринлари етарлича ташкил этилмаган. Аксинча, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида рақобат муҳити яратилгани натижасида сўнгги 4 йилда парранда гўшти етиштириш 100 минг тоннадан

205 минг тоннага, балиқ 65 минг тоннадан 122 минг тоннага кўпайган.

— Паррандачилик ва балиқчилик уюшмалари монополиядан озод қилингани самараси сезилаяпти. Тадбиркорлар ўзини эмин-эркин ҳис қилиб, ҳаракат қиляпти. Нарх ва сифат жиҳатидан бозорга муносиб товар ва хизматлар чиқиши керак. Рақобат бўлса, аҳолининг танлаш имконияти ва сотиб олиш қобилияти ошади, одамлар рози бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳам батафсил таҳлил қилинди.

— Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида кўп гапирилади, лекин амалда бу тизим тўла ташкил қилингани йўқ. Буни талаб қиладиган муҳит йўқ, билим йўқ, оммавий ахборот воситаларида тарғибот етишмайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўтган йили истеъмолчилардан тушган 11 мингдан ортиқ шикоятларнинг 50 фоизи коммунал ва транспорт, 25 фоизи савдо, қолган 25 фоизи алоқа, молиявий хизматлар ва бошқа соҳаларга оид бўлган.

Бунга асосий сабаб, монопол корхоналар ўз манфаатига мослаб хужжатлар ишлаб чиққан ва уларда истеъмолчилар манфаати тўлиқ инобатга олинмаган.

Монополияга қарши курашиш кўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ваколатларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Кўмитани истеъмолчиларнинг манфатларини тўғридан-тўғри ҳимоя қиладиган халқ вакиллик органи — Олий Мажлисга ҳисобдор этиб белгилаш масаласини кўриб чиқиш топириғи берилди.

Ў.А.

ДУНЁ НИГОҲИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚНИ, МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР МУҲИМ ТАШАББУСИ

Халқимизнинг меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатлари намунаси сифатида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда йўлга қўйилган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати хориж жамоатчилигида кенг қизиқиш уйғотди. Ўтган бир ойдан зиёд вақт давомида нуфузли оммавий ахборот воситалари, таниқли экспертлар мазкур ҳаракат фаолияти, унда Ўзбек халқининг саховатлилик, меҳр-муҳаббат хислатларини алоҳида эътироф этапти.

Жумладан, Lenta.lv ахборот порталида (Латвия) ёзилганидек, Ўзбекистон



аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф, айрим ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар фаолияти тўхтатилгани туфайли вақтинча даромадсиз қолган қатламларини ҳимоя қилиш учун давлат ва миллий бизнеснинг куч ва ресурсларини бирлаштириши борасида ижобий намунадир. Дунё давлатлари ҳар бири ўз шароити, имкониятлари ва ресурсларидан келиб чиққан ҳолда пандемия шароитида миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошираётган бир пайтда, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати ҳамда тегишли жағмарманинг тузилиши, латвиялик журналистларнинг фикрича, мутлақо янгича ташаббус бўлиб, ўзининг моҳияти ва натижалари билан эътиборни тартади.

"Росбалт" таҳлилий ахборот агентлиги (Россия) ёзишича, пандемия шароитида республика донорлардан молиявий маблағлар қидирмоқда ва топ-

моқда, стратегик тармоқларни ривожлантирмоқда, турли хорижий шериклар, шу жумладан, Россия билан савдо-иқтисодий алоқаларни мустақамламоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар мантиқан асосли шакл касб этиб, иқтисодиётнинг тўлақонли фаолияти учун ресурсларни сақлаб қолган ҳолда пандемиядан кейинги даврда ижобий натижа бе-

риши кутилмоқда. "Саховат ва кўмак" лойиҳаси доирасида "давлат аҳолига тад-



биркорлик субъектлари орқали ёрдам бериши" эълон қилинди, дея хабар қилади агентлик. Ҳомийларга улар аҳолига кўрсатган ёрдам



ХАЙРЛИ ИШНИНГ ҚУЛОЧИ КЕНГ БЎЛАДИ

Халқимизнинг эзгуликларга йўғрилган қадриятлари жуда кўп. Хусусан, қийналиб турган кўни-қўшилари ёки умуман танимайдиган инсонларга ҳар томонлама кўмак беришга шошилади. Энг муҳими, ана шу яхшиликларини миннат қилмайди. Ҳозиргидек падемия шароитида бу ўлмас қадриятларимиз янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва юксак фазилатларини инобатга олиб илгари сурилган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини барча-барча бирдек қўллаб-қувватламоқда. Халқимизда "Хайрли ишнинг қулочи кенг бўлади", деган гап бор. Бу бежиз эмаслигини ҳар биримиз ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНING САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида энг кўп зарар кўрган ва кўраётган туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, юз минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини ушлаб туриш, шунингдек, мамлакатда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланishiга қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасига коронавирუსнинг янги тури келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси, жамоат ташкилотлари ва туризм соҳаси субъектларининг қўйидаги тақлифларига розилик берилсин:

Белгиланган санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига қатъий риоя этган ҳолда 2020 йилнинг 1 июнидан "яшил" ва "сарик" тоифадаги ҳудудларда ички туризмни қайта йўлга қўйиш билан биргаликда ёндош ташкилотларнинг (туроператорлар, турагентликлар, жойлаштириш воситалари, маданият ва маданий мерос объектлари ҳамда бошқалар) фаолиятини бошлаш;

Фуқароларига Ўзбекистон Республикасига киришга рухсат этиладиган мамлакатлар рўйхатини белгилаб олган ҳолда кириш туризмни босқичма-босқич қайта тиклаш.

2. Белгилансинки, туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун:

2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар фойда солиғи ставкаси белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтирилади;

2020 ва 2021 йил якунлари бўйича зарарларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига назарда тутилган миқдор билан чекламаган тарзда ўтказиш ҳуқуқи берилади;

2021 йил 1 январгача бўлган даврда туристик (мехмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади.

(Давоми 2-бетда).



МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИНГ ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ ЯНАДА ОШАДИ

Маданият ва санъат ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмидир. Гўдак дунёга келар экан, санъатнинг энг оддий ва олий намунаси — она алласи билан дунёни танийди, ҳаётни идрок этади. Қувончи кўнларимизда ҳам, изтироб чекканимизда ҳам куй-қўшиқ бизга ҳамроҳ бўлади. Сирасини айтганда, санъатга ошно бўлган инсондан ёмонлик чиқмайди. Мақомлар, достону лапарлар, спектакллар, музей экспонатлари, цирк томошалари ҳар биримизни олижаноблик, меҳр-оқибат, дўстлик, аҳилик, ватанпарварлик, мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашга ҳизмат қиладди. Шу боис ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай халқ ўз санъатини асрайди, ардоқлайди. Уни авлодларга бус-бутун етказишга ҳаракат қиладди.

Муносабат

Президентимизнинг "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу мақсад-муддодлар мукжассам экани халқимизни нихоятда мамнун этди. Тан олишимиз керак, соҳада узоқ йиллардан бери ўз

ечимини кутиб ётган, халқ тили билан айтганда, оёғимиздаги кишан бўлиб турган муаммолар талайгина эди. Ундан халос бўлмасдан туриб, соҳа тараққиёти ҳақида ҳеч қандай эътибори бўлиши мумкин эмасди. Ушбу хужжатларнинг қабул қилиниши натижасида энди ана шу долзарб масалалар ўз ечимини топади, десак, муболағаси эмас.

Маданият ва санъат шу даражада кенг қамровли соҳаки, у бир-бирини тақрорла-

майдиган, бир-бирига ўхшамайдиган, мустақил ижодни талаб этадиган тизимларни ўзида бирлаштиради. Президентимиз Фармонида мана шу кенг қўламли соҳанинг ҳар бир халқаси манфаати ҳисобга олиниб, муҳим чора-тадбирлар белгиландики, уларнинг ҳаётида тўла ўз ифодасини топиши маданият ва санъатнинг бир занжир ўлароқ мустаҳкам уйғунлиқда ривожланишига замин бўлади.

Энг катта янгиликлардан бири сифатида санъаткорлар-



Деярли барча давлатларда, айниқса, ривожланган ва тараққиёт йўлидан шахдам бораётган мамлакатларда туризм одатий ҳаётнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу боисдан ҳам одамлар пандемия туғатч, яна саёҳат қилиш имконияти юзага келишидан мамнун бўладилар, албатта. Соҳа фаолиятининг қандай суръат ва фурсатда қайта тикланиши эса пандемия оқибатида келиб чиққан иқтисодий инқироз даражасига боғлиқ. Ҳозирги пайтда ушбу тармоқни аста-секин қайта тиклаш учун, аввало, сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва уларнинг эпидемиологик хавфсизлигини таъминлаш муҳим саналади.



Цзян Янь, ХХРнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.

КАФТДАГИ ЖАВОҲИР

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан болаларимиз учун янада фаровон келажақ яратамиз.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонланади. Барча болаларни байрам билан табрик-

бахтли кундир. Хитойда болаларни кафтдаги жавоҳирга ўхшатишади. Ўзбекистонда ҳам ғамхўрлик кўрсатган ҳолда болаларни қилич пошолар, деб билишади.

Ҳамкорлик

Бу каби меҳрга тўла муносабат бизнинг мамлакатда ҳам юксак даражага эга. ХХР Раиса Си Цзиньпин таъкидлаб ўтганидек, болалар учун энг яхши шароитларни яратиш бизнинг энг яхши истагимиздир.

Болалик — ҳаётнинг энг беғубор даври саналади. Ўзбекистонда бўлгани каби Хитойда ҳам фарзанд туғилиши оиладаги барча умидларни ўзида ифодалаган энг



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ САЛБӢЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ҚўЛЛАБ-қУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Жойлаштириш воситаларига алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун маҳаллий йигимни тўлашни 2021 йил 1 январгача бўлган муддатга давлат солиқ хизмати органлари хабардор қилиш ва кейинчалик уларни 12 ой мобайнида тенг қисмларда тўлаш асосида **фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади.**

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан:

а) 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда қуйидагиларга Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси томонидан белгиланадиган мезонлар асосида **12 ой муддатга бир марталик максадли фоизсиз ссудалар** ажратиш шаклида: **туроператорларга** 2019 йилдаги ўртача ойлик иш ҳақи фонднинг уч барабаридан ошмайдиган миқдорда; **жойлаштириш воситаларига** ҳар бир ётоқ ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш барабари миқдориде;

б) Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартибига мувофиқ туризм соҳасидаги **“стартап” лойиҳалар ва инновацион бизнес гояларни**, шу жумладан, биринчи навбатда туристлар учун қулайликлар яратишга йўналтирилган ахборот дастурлари ва хизматларини умумий **1,5 миллиард сўм** миқдорида **қисман субсидиялаш** орқали;

в) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда республика ҳудудларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) хорижий ошона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик оғактланиш шоҳобчалари, оғакт ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига лойиҳа қийматининг **30 фоизи, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан ортик бўлмаган миқдорда грантлар** ажратиш орқали;

г) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда янги туризм маҳсулотлари ва

йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишга **гидлар учун** 5 миллион сўм, **туроператорлар учун** 10 миллион сўм миқдорида **грантлар** ажратиш орқали **қўшимча кўмак кўрсатилади.**

4. Давлат томонидан қуйидаги қўшимча кўмак кўрсатилсин:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидагиларни **субсидиялаш**:

жойлаштириш воситаларини куриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 мартдан 1 июнгача бўлган даврда туризм соҳаси субъектларининг **фоиз харажатлари**;

жойлаштириш воситаларини куриш учун туризм соҳаси субъектларига аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 2022 йил 1 январгача бўлган даврда **фоиз харажатларининг** Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортик бўлмаган қисми;

янги санитария-гигиена талабларига мувофиқлаштириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган кредитлар бўйича **фоиз харажатларининг** Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортик бўлмаган қисми;

айланма маблағларни тўлдириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган **1 миллиард сўмгача** миқдордаги кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда **фоиз харажатларининг** Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортик бўлмаган қисми;

б) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи миқдорида **жойлаштириш воситаларини субсидиялаш**;

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси резидентлари — **туроператорлар ва турагентларга** кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристларнинг умумий сони 500 минг нафарга етгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5781-сон Фармониға мувофиқ компенсация қилинадиган чартер рейслар орқали олиб

келинганлардан ташқари Ўзбекистон Республикасига **олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист** учун 15 АҚШ доллари миқдорида, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида беш сутка бўлиши шарти билан **рағбатлантирувчи субсидиялар ажратиш**;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан 2020 йил 31 декабрга қадар камида 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистон Республикасида тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида камида беш кеча тунаб қолиши шарти билан туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини чипта нархининг 30 фоизи миқдорида **қисман субсидиялаш**;

д) 2021 йил 1 июнга қадар Жамғарма маблағлари ҳисобидан меҳмонхоналарға тоифа олиш ёки ошириш учун **реновация, реконструкция ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш** бўйича харажатларни олинган тоифани келгуси 3 йил давомида сақлаш шарти билан қуйидаги миқдорда қошлаш:

3 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 5 миллион сўм;

4 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 10 миллион сўм;

5 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 15 миллион сўм.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги техникум ва коллежларға 2020 йилда ўқишға қабул қилинган барча тингловчиларни ўқитиш, истисно тариқасида, давлат гранти асосида амалға оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкнинг 2020 йил 1 октябрдан бошлаб жойлаштириш воситаларини куриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича асосий қарз тўловини 18 ойдан 24 ойгача узайтириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

7. 2022 йил 1 январға қадар юридик шахслар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудиға олиб кириладиган дезинфекция ишларини олиб бориш учун

жиҳозлар, техникалар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, бино ва иншоотларни куриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун алоқасиз бошқариладиган (сенсорли) жиҳозлар, шунингдек, хидсиз дезинфекцияловчи воситалар учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йигимлар ва қўшилган қиймат солиғидан ташқари) озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: бир ҳафта муддатда Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни амалға оширишни бошлаш учун Жамғармага 20 миллиард сўм ажратилишини, шунингдек, заруратға кўра Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртманомаларига кўра мазкур Фармоннинг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган тадбирларни амалға ошириш учун маблағлар ажратилишини таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан туризм соҳасидаги техникум ва коллежларда 2020/2021 ўқув йилида мутахассисларни тайёрлаш учун маблағлар ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Молия вазирлиги билан биргаликда қабул қилинган қўллаб-қувватлаш чораларининг натижадорлиги ўрганилишини ва унинг якунлари бўйича кейинги йилларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш бўйича тақлифлар 2021 йил 15 январға қадар киритилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 28 май		

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚНИ, МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР МУҲИМ ТАШАББУСИ



“Республика ҳудудларида тадбиркорларни ва айниқса, экспорт билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича штаблар ташкил этилди. Натижада фаолиятни экспортга йўналтирилган корхоналар ўз ишини тиклаб, фуқаролар ўз иш жойларига қайтиш имконига эга бўлдилар. Қишлоқ жойларда яшайдиган ва деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли “Саховат ва кўмак” диққат марказидаги масалалардан бири бўлиб, уларға қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва иссиқхоналар ташкил этишда ёрдам берилади... Умуман олганда, Ўзбекистон келажакка қараб ишламоқда”, дейилади “Росбалт” тарқатган мақолада.

“National Herald Tribune” газетаси мухбири (Покистон) Ўзбекистоннинг коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш борасида муваффақиятлар

га эришиб, шундай оғир шароитда аҳоли ва бизнесни ҳам қўллаб-қувватлаётганини таъкидлайди. Мамлакатда жорий қилинган қоидалар аҳоли томонидан қўллаб-қувватлангани, фуқароларға ихтимой ёрдам кўрсатиш бўйича қатъий тизим яратилгани, мамлакат ташқи савдо алоқаларини жонлантириш учун янги та-шаббусларнинг жорий қилиниши самараси ўлароқ Ўзбекистон COVID-19 вируси-га қарши кураш бўйича бошқалар ўрнат олса аризийдиган тажриба ва амалиётни намёнён этмоқда.

“Presseaktuell” ахборот-таҳлилий портали (Германия) шарҳловчиларининг фикрича, “Саховат ва кўмак” лойиҳаси нафақат аҳолини ихтимой қўллаб-қувватлаш, балки маҳаллий бизнеснинг хайрия фаолиятини кенгайтириш, унинг ривожланиши учун қўшимча “рағбатланти-

ри

рувчи имкониятлар” яратишға қаратилган. Мамлакатда амалға оширилаётган чора-тадбирлар иш ўринларини тиклаш орқали ички талабни орттириш ва алаоқибатда миллий иқтисодиётнинг изчил ўсиш суръатларини таъминлаш имкони-ни беради.

“bne IntelliNews” агентлиги (Буюк Британия) хабарида таниқли тадбиркор,

меценат Алишер Усмонов ҳам Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” фондиға 20 миллион доллар маблағ ўтказгани маълум қилинади. Ушбу маблағ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғига тақдим этилиб, у ўзбекистонликлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиклаш мақсадида амалға оширилаётган чора-тадбирлар-ға йўналтирилди.

“Kabar.kg” агентлиги (Киргизистон) тарқатган ахборотда миллиардер Алишер Усмонов Сардобада сув омбори тошқиниде

жабр кўрганлар учун 10 миллион доллар хайрия ажратгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевға хат ёзгани таъкидланади.

Мақолада тадбиркор ёзган хатдан парча берилиб, жумладан, А. Усмоновнинг “болалигим ва ёшлик йилларим ўтган она юртимдаги ака-укаларим ва опа-сингилларим билан хозирги эпидемиологик қийинчиликларға шерик бўлар эканман, Сардоба сув омборида содир бўлган фо-жиа ҳақидаги хабарни, шунингдек, уни одамларимиз муносиб ва мардонча қабул қилганлигини қалбимда оғриқ билан ҳис қилдим. Муқаддас Рамазон ойида Аллоҳнинг ўзи мени Ватанимға чорлади, зеро, бу кунларда биз ёрдамға муҳтож одам-

COVID-19 пандемияси дунёнинг барча мамлакатларига таъсир кўрсатди ва Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Республика раҳбарияти ушбу инқироз оқибатларини мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаға минималлаштиришға қаратилган қатъий чора-тадбирларни амалға оширмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг пандемия ва карантин даврида аҳолиға пул, кундалик истеъмол моллари, дори-дармон ва маҳсулотлар шаклида ижтимоий кўмак бериш мақсади бўлган “Саховат ва кўмак” жамғармасини яратиш ташаббусини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳукуматнинг бандлик масалаларига катта эътибор қаратаётгани ҳам қувонarli ҳолдир. Жумладан, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 140 мингдан зиёд фуқаролар иш билан таъминланган. Турли соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, курилиш, инфратузилма, таълим ва бошқа тармоқларда иш ўринлари яратиш имконияти таъсирни юмшатишға ёрдам беради.

Рой Энтони Рожерс, Малайзия университети профессори.

“The Times Kuwait” газетаси (Кувайт) мухбири “Саховат ва кўмак” ташаббусининг муборак Рамазон ойида амалға оширилганиға алоҳида эътибор қаратди. Мубо-рак ойда амалға оширилган эзгу саъй-ҳаракатлар аҳолининг ёрдам ва кўмакка муҳтож қатламлари-ни аниқ, манзил-ли асосда қам-раб олиш ҳамда уларни тизимли қўллаб-қувватлашға хизмат қилди. Ҳукумат фармойиши билан шакллантирилган махсус жамғарма маблағлари, газетада қайд этилишича, ижтимоий химояға муҳтож, шу жумладан, кўп фарзандли оилаларға, ногиронлиги бўлган шахсларға ва ёлғиз қариларға, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахслар-ға ёрдам бериш учун йўналтирилмоқда. Асосийси ушбу ташаббус маҳаллий тадбиркорлар томонидан қизгин қутиб олин-ди ва аниқ, тизимли чоралар ва ўтказил-ган хайрия маблағлари кўринишида ҳаёт-ға тақдим этилмоқда.

“Bernama” халқаро ахборот агентлиги (Малайзия) журналисти ёзганидек, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан йўлға қўйилган умумхалқ ҳаракати доирасида тадбир-корлар, фермерлар, корхоналар биринчи кунданок қишлоқ, ша-харлардаги кам таъ-минланган оилалар аъзоларини, ишсиз аёллар ва ёшларни аниқлаб, ўз жамоала-

Польшанин **“SIEWIE.TV - Sieradzkie News Television”** телевизион портали-да “Ўзбекистон коронавирусға қарши курашмоқда” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда қайд этилишича, Ўзбекис-тон дунёнинг қўллаб қувватлари қатори COVID-19 пандемияси билан болглиқ вазиятда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа-

ларда қатор муаммоларға дуч келмоқда. Мамлакат раҳбарияти хозирги шароитда аҳолини ихтимойий қўллаб-қувватлаш учун давлат ва бизнес саъй-ҳаракатларини бирлаштирди. Аҳолининг ёрдамға муҳтож қатламларини химоя қилиш, саноат корхоналари, курилиш соҳаси ва инфра-тузилманиннг тўлиқ ишлашини таъмин-лашға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Шу маънода Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган “Саховат ва кўмак” лойиҳаси жамоатчилик ва бизнес вакилларининг эътиборини қозониб, тад-биркорлар ўзлари фаолият юритаётган ҳудудларда ихтимойий химояға муҳтож одамларни бегараз қўллаб-қувватлашмоқ-да. Уз навбатиде, давлат ҳам саховатле-ша ишбилармонларға солиқ, лизинг, ссу-далар ва зарур ресурслардан фойдала-ниш учун турли имтиёз ва преференция-лар тақдим этмоқда... Ушбу ташаббус давлат ва халқ бирдамлигининг ёрқин намунаси бўлди”, дейилади репортажда.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ХАЙРЛИ ИШНИНГ ҚУЛОЧИ КЕНГ БЎЛАДИ



Буни Тошкент вилоятида ушбу йўналишда амалға оширилаётган саъй-ҳаракатлар мисо-лида ҳам кўриш мумкин. Олти сектор вилоятимиз шаҳар ва туманларига би-риктирилган бўлиб, улар томонидан хозиргача қарийб 48 минг фуқароларға турли ёрдамлар кўрсатилди. Дейлик, кимгадир озиқ-овқат маҳсулотлари, бировига дори-дармон воситалари, айримларига қўй, сигир ва парранда ёки ижараға ер берилди. Бошқа бир-лари эса доимий, яна бирови эса мав-сумий ишларға жойлаштирилди. Агар уларнинг суммасини чиқарадиган бўлсак, жуда катта рақамға айланаиб кетади. Энг муҳими, бу борадаги ишлар кучайса кучаймоқдаки, сира па-саяётгани йўқ.

Бу умумхалқ ҳаракатида сенаторла-римиз ҳам фаол қатнашаётганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Бунға ўз фаолиятимиздан бир нечта мисоллар-ни келтирмоқчимиз. Масалан, яқинда Тошкент туманининг Келес даҳасидаги 30-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Савригул Идрисова мурожаат қилди. У турмуш ўртоғи Қозоғистонда экани,

10 ойлик чақалоғи билан қийналиб қол-ганлиги боис озиқ-овқат маҳсулотла-ридан ёрдам беришимизни сўраган эди. Тезлик билан шу ҳақда туман раҳбарияти билан гаплашдиқ ҳамда аёлға озиқ-овқат маҳсулотлари етқа-зиб берилди. Шу туманлик Дилноза Саидалиева эса ўзи яшаётган Бобур номидаги маҳалла ҳудуди учун озиқ-овқат маҳсулотлари сотадиغان кўма-дукон ташкил этишда ёрдам сўраб му-рожаат қилганди. Бу ҳақда маҳалла ра-иси билан гаплашдиқ. Раис транспорт муаммоси борлигини айтди. Мутасад-ди ташкилотлар кўмағида бу маҳалла учун транспорт ташкил этилди.

Бундай мисолларни бошқа сенатор-ларимизнинг фаолиятида ҳам қўллаб уч-ратиш мумкин. Мухтасар айтганда, халқ вакиллари хозиргидек синовли кунлар-да халқимиз ёнида туриб, уларнинг дар-дига дармон бўлишға, оғирини енгил қилишға астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Зеро, бу биз, сенаторларнинг энг бир-ламчи вазифаларимиздандир.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Маҳлис Сенаи аъзоси.

«ЭРТАМИЗДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ» дейишмоқда умумхалқ ҳаракатида кўмак олган юртдошларимиз

Бутун мамлакатимизда бўлган каби Самарқанд вилоятида ҳам “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ўз номиға монанд қўламдорлик касб этмоқда. Ушбу ҳаракатға ўзининг беиминнат ҳиссасини қўшишға ошиққул юртдошларимиз, тадбиркорларимиз ўзига хос бағрикенглик, ҳамжихатлик каби фазилатларни намёнён этаётир.

Мазкур ҳаракат доирасида амалға оширилаётган саховат тадбирлари Пай-арли туманидаги “Дарвишчи” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Маржона Абулқосимова сингари кемтик қалбларға малҳам бўлмоқда. Камбағаллик рўйхати-га олинган М. Абулқосимова ота-онаси-дан эрта айрилиб, ўз ўйида укаси билан ёлғиз яшарди. Ўтган йили коллежини та-момлаган бу қиз ҳеч қаерда ишламас ва яшаш шароити ҳам ҳамин қадар эди. Уларға Маҳалла ва оилани қўллаб-қув-ватлаш вазирлигининг туман бўлими ҳузу-рида ташкил этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида болали сизир берилди. Шунингдек, эҳтиёжманд ушбу оила вилоят прокурори ташаббуси билан бир бош қўй, бир сотихлик иссиқ-хонаға ҳам эга бўлди. Бугунги кунда улар-нинг уй-жойини таъмирлаш ишлари ҳам олиб берилмоқда.

— Оиламизға ёрдам қўлини чўзганларға минг раҳмат, — дейди М. Абулқосимова. — Эндиликда ўз хонадонимизда даромад топиб, турмуш шароитимизни янада яхшилаб боришға имконият яратилди. Бундан жуда хурсандим. Эртанимиздан кўнглимиз тўқ.

Шунингдек, “Фаровон” маҳалла фуқа-ролар йиғинида яшовчи камбағаллик рўйхатиға олинган фуқаро Холбой Абдурасулов ҳам турмуш ўртоғининг ногиронлиги ва уч нафар вояға етмаган болалари борлиги сабаб қийин аҳволға тушиб қолган эди. Унинг оиласига ҳам

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доир-расида бир бош қорамол, “Жувозхона” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Боймурод Эсонов ва Ёрқул Хидировга бир бошдан қўй ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бериладиган ҳамда бугунги кунда уларнинг уй-жойлари ҳам таъмирланмоқда.

“Тўполон” маҳалла фуқаролар йиғини-да яшовчи камбағаллик рўйхатиға олин-ган 20 та оилаға 100 тадан парранда (хўжа) олиб берилди.

Айни кунларда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман бўлими ҳузурида ташкил этилган “Сахо-ват ва кўмак” умумхалқ ҳаракати жам-ғармасиға 260 нафар юридик ва жисмо-ний шахсдан жами 546 миллион 703 минг сўм маблағ келиб тушган. Бундан ташқа-ри, бир қатор фуқаролар нақд пул тар-қатиш орқали, шунингдек, озиқ-овқат, дори-дармон, қарздорликни тўлаб бериш, ўз ўйида еттиштирган ёки тадбиркорлиги доирасида ишлаб чиқарган маҳсулотлар-ни аҳолиға бегараз тарқатиш билан ушбу ҳаракатда фаол иштирок этмоқда.

Шунингдек, тумандаги сектор раҳбар-лари томонидан ҳам ҳудуддаги кам таъ-минланган, ногиронлиги бор ва бугунги пандемия оқибатида оғир аҳволға тушиб қолган оилаларнинг шароитини тиклаш-да амалий ёрдам берилмоқда.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?



Абдулло АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси:

— Ёшлар парламентининг асосий мақсади ёшларнинг ҳуқуқлари, эркин-ликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий фаоллигини қўллаб-қув-ватлаш ва сиёсий-ҳуқуқий билим ҳамда кўникмаларини ошириш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда- ги ўрни ва таъсирини амалда таъмин-лаш, уларни миллий ҳамда умуминсо-ний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат. Ушбу лойиҳада фаолият туридан қатъи назар, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Респу-бликаси фуқаролари (суд қарори билан муомала лаёқати чекланган ва муома-лага лаёқатсиз деб топилган фуқаро-лар бундан мустасно) иштирок этиш-лари мумкин. Ёшлар парламенти аъзо-ларининг ваколат мuddати — 2 йил (2020 — 2022) этиб белгиланмоқда.

Мазкур тузилма бир қатор вазифа-ларни амалга ошириши кўзда тутиляпти. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари-ни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжат-ларини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда унинг самарадорлигини таъминлаш бўйича долзарб ва аниқ йўналишлар-ни белгилаш мақсадида муҳокамалар ўтказиш, ёшларнинг, айниқса, иш билан банд бўлмаган йигит-қизларнинг ишбилармонлик кўникмаларини ривож-лантириш, уларни тadbиркорлик фo-лиятига кенг жалб этиш, ёшлар ўрта-сида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича самарали механизмлар-ни жорий қилиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Айни пайтда парламент куйи пала-тасида жамоат таъкилотлари, ёшлар вакиллари иштирокида ушбу масала-га бағишланган муҳокамалар бўлиб ўтмоқда. Аҳамиятлиси, мазкур жара-ёнда ёшлар фаол қатнашяпти. Бу йи-

гит-қизларнинг парламент фаолияти-га қизиқишларини, юрт тақдирига дахлдорлигини кўрсатади.

Юсуфжон ЮСУПОВ,
“O‘zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати ёшлар билан ишлаш бўлими мудири:

— Ёшлар парламентини ташкил этиш ташаббуси O‘zLiDeP “Ёшлар қаноти” фаоллари томонидан мамну-ният билан қабул қилинди. Ушбу ташаббус илгари сурилган кундан бошлаб, бизга ёшлардан келиб ту-шаётган савол ва тақлифлар уларнинг бу жараёнларга қизиқишлари юқори эканлигидан далолат беради. Шунинг-дек, жойларда ёшлар билан учрашув-ларда уларнинг қонунчилик ташаб-бусини амалга ошириш, қонунлар тарғиботи ва ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатишга шай турганлик-ларини аңглаш қийин эмас. Бу эса ташкил этилаётган Ёшлар парламенти вакилларини очик ва шаффоф тизим орқали саралаб, сайлаб олиш меха-низмини ишлаб чиқишдек масала ўта муҳим эканлигини кўрсатади.

Куни кеча куйи палатада мазкур ма-салага бағишлаб ўтказилган тadbирда бир қатор тақлифларимизни илгари суридик. Масалан, тегишли қонунлар-дан келиб чиқиб, Ёшлар парламенти вакиллигига энг ками 16 ёки 21 ёш қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳамдам НИЁЗОВ,
“Миллий тикланиш” ДП Марказий Кенгаши ёшлар ишлари бўлими бошлиғи:

— Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқ-даки, бугунги тез ривожланаётган замон билан ҳамнафас яшашда янги-ча фикрлайдиган ёшларнинг ўрни бе-кёбсдир. Бу бунда, албатта, кекса ав-лоднинг тажрибаси ҳам муҳим ўрин тутади, тажрибани уйғунлаштириш учун эса бугунги жамиятнинг барча со-ҳасида ёшларнинг роли ва иштироки-ни кўпайтириш лозим. Шу нуқтаи на-зардан, мамлакатимизда Ёшлар пар-

ламентини ташкил этиш ва ривож-лантириш масаласи илгари сурилгани айни мuddаодир.

Ҳозирги вақтда парламентда ва маҳаллий Кенгашларда ёшларнинг улуши, очигини айтиш керак, қони-қарли эмас. Умуман олганда, ижти-моий-сиёсий соҳада фаоллигини таъ-минлаш учун ёшларга қонуний кўмак керак, бу кўмакни эса Ёшлар пар-ламенти таъминлаб беради, деган умиддамиз.

Миршод ҚўЛДОШЕВ,
“Адолат” СДП аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўлими етакчи мутахассиси:

— Ёшлар парламентининг ташкил қилиниши давлат томонидан ёшларга берилаётган кенг имкониятлардан бири бўлади. Айни пайтда ёшларимиз-нинг давлат бошқаруви органларига жалб қилиниши келажақда ўз самара-сини кўрсатади. Бу навқирон авлодда жамият ҳаётига дахлдорлик, масъули-ят ва ўзига ишонч каби хислатларни шакллантиради.

Барча соҳада, энг аввало, фуқаро-ларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошир-масдан туриб яхши натижага эришиб бўлмайди. Фақатгина эркин, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини биладиган, қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларни ҳурмат қиладиган фуқаролар ўзининг ҳуқуқларидан тўлалигича фойдаланиш-га қодир бўлади. Ёшлар парламенти ўз олдига қўйган мақсад ва вазифа-лари ҳам айни шу йўналишга қаратилга-ни билан аҳамиятлидир. Бу вазифа-ларни “Адолат” СДП фаол ёшлар бил-дан бир сафда туриб, мамлакатимиз-да ёшларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш йўлида ҳамкорликда иш олиб боради.

Равшан ХОМИТОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши “Ёшлар қаноти” раҳбари:

— Айни пайтда янги тузилмани таш-кил қилиш бўйича кенг муҳокамалар-да ёшларимиз ҳам фаол иштирок

этаётгани ҳамда Ёшлар парламенти шаклланишида ушбу тақлифларнинг инoбатга олиниши унинг мустаҳкам фаолиятига замин яратади.

Ёшлар парламенти аъзолари сафи-да Ўзбекистон ХДП аъзолари бўлган ёшлар кўпчилиқни ташкил этишини мақсад қилмоқдамиз. Чўнки партиямиз ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, ёшлар ҳаёти учун энг муҳим масалалар — малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, бандлик ва жамиятда муносиб ўрин топиш учун барча имкониятдан фойдаланиш зарур.

Бу борада, имконияти чекланган ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оила фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда Ёшлар парламенти аъзоси бўлган Ўзбекистон ХДП сафидаги ёшларимиз муносиб ра-вишда иштирок этишига умид қиламиз.

Самад БЕГИЕВ,
Ўзбекистон Экологик партияси “Ёш экологлар қаноти” етакчиси:

— Ёшлар парламенти тузиш навқирон авлодга берилаётган улкан эътиборнинг юксак самараси, десак, муболаға бўлмайди. Бу борада ҳозир-ги кунда ёшларнинг ягона ташкилоти бўлмиш Ёшлар иттифоқи ҳамда юрти-мизда фаолият олиб бораётган бешта сиёсий партиянинг “Ёшлар қаноти” билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш Ёшлар парламентининг кейин-ги фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар парламенти айни бу бора-даги барча амалий ишларни ривож-лантиришга улкан хисса қўшади. Биз эса, ўз навбатида, яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдала-ниб, келажақда юртимиз истиқболи ва ривожланишида тўғридан-тўғри иш-лайдиган қонунлар қабул қилинишида бор куч-ғайратимизни ишга соламиз.

«Халқ сўзи».



Президентимизнинг 27 май куни туризм ва давлат активла-рини хусусийлаштириш соҳала-ридаги лойиҳалар тақдимоти билан танишувчи чоғида ҳам “Uzbekistan. Safe travel guaranteed” (“Ўзбекистон. Хавф-сиз саёхат қафолатланган”) бренди остида туристлар учун санитария-эпидемиологик хавф-сизлик тизими ишлаб чиқилган-ни ҳақида сўз юритилди.

Жаҳон туризм ташкилоти 2020 йилда бутун дунё бўйлаб туристлар сони учдан бир қисм-га, яъни 1,4 миллиарддан бир миллиардгача камайиши ҳақида прогноз қилмоқда.

Мутахассислар фикрича, пи-ровардида бу рақамлар халдан ташқари оптимистик бўлиб чи-қиши мумкин. Чўнки шу пайтга-ча ушбу соҳада бу қадар кучли пасайиш кузатилмаганди. Акса-рият давлатлар иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга бўлган мазкур соҳани пандемия шa-роитида фаолаштириш масала-си бизнинг мамлакатимиз учун ҳам ўта долзарб бўлиб турибди. Шу жиҳатдан юртимизда бирин-чилардан бўлиб хозирги шa-роитда, аввало, ички туризмни рағбатлантириш вазифаси қўйил-моқда. Бу жуда муҳим. Негаки, бу йўналиш худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сал-моқли таъсир кўрсатади.

Халқ ҳўжалиғи фаолиятининг бу тури шуниеси билан ҳам аҳамиятлики, у иқтисодиётнинг

турдош тармоқларида даромад шаклланишига хизмат қиладди. Хусусан, харажатлар ва даро-мдлар “занжири”ни шакл-лантириш орқали ички туризм халқ ҳўжалигининг 50 га яқин тармоқлари ривожланишига туртки беради. Бу соҳанинг иқтисодиётга бевосита ҳисса-си солиқлар тушуми орқали, инвестицияларни жалб қилиш воситасида, товар айланмаси ортиси натижасида амалга оширилади. Ички туризмнинг ижтимоий аҳамияти жамият жисмоний ҳамда руҳий ресурс-ларини ва инсоннинг меҳнатга лаёқатини тиклаш ҳамда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини оширишда намoён бўлади.

Шу жиҳатдан мамлакатимиз-да пандемия шарoитида ички туризмни тиклаш бўйича хори-жий тажриба ўрганилиб, унинг бизга мос жиҳатларини ама-лиётга жорий этиш назарда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бирин-чи босқичда “яшил” худудлар ўртасида ички туризмга рухсат бериш зарурлигини таъкидлади. Тоғли жойлар ва қўл бўйлариде энгил конструкциялар дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳoқимлар билан биргаликда кўча дам олиш масканлари дислокацияси тасдиқланиб, электрон порталга жойлаштири-лади. Бу ҳозирги шарoитларга мос янги туристик инфратузил-мани ташкил этиш, хизмат

кўрсатиш сифати ва даражаси-ни оширишга хизмат қиладди.

Ички туризм АҚШ каби ри-вожланган хорижий давлатлар-да сaйёхлик турлари орасида пул тушумларининг 80 фоизи-гача бўлган қисмини таъмин-лайди. Мамлакатимизда ҳам бу йўналишда имконият бисёр.

Бу борада тadbиркорлик субъектла-рига давлатимиз томонидан кенг имтиёзлар берилиб, керак-ли шарт-шарoитлар тақдим этиш режалаштириляпти. Жумладан, уларни туристик йигимлардан озод қилиш бўйи-ча аввал берилган имтиёз йил якунига қадар узайтирилади. Соҳа корхоналари фойда соли-гини ҳисоблашда 2020-2021 йиллардаги кўрган зарарини кейинги йиллар фойдасидан чегириб ташлашга ҳам рухсат берилади. Меҳмонхоналарга кўрсатган хизматининг 10 фоиз микдорида субсидия аж-ратилади. Бундан ташқари, уларга айланма маблағ учун кредит фоиз тўловларининг 10 фоизгича бўлган қисмига субсидия берилади.

Албатта, мамлакатимиз пан-демияга қарши кураш бўйича қўрилаётган зарур чора-тadbир-лар билан бир қаторда, юқори-даги каби тақдим этилаётган енгилликлар туризмдек страте-гик тармоқнинг тез фурсатда қайта тикланишига замин яратади.

Умарбек ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН КЎКСИДА «МЕҲР-САХОВАТ» НИШОНИ

Ордену медаллар, унвонлар, кўкрак нишонлари... Қайсидаир соҳада алоҳида ўрнат қўрсатган кишиларга меҳнатининг эътирофи сифатида берилади. Ҳар бир муқофотнинг номи замирида эса ўзига хос маъно-мазмун муҳассам.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг Фармони билан “Меҳр-саховат” кўкрак нишони таъсис этилди. Ушбу ҳужжатда унинг номи мазмуни ҳақида, жумладан, шундай тушунча берилган: “Жаҳон микёсида кенг тарқалиб, глобал муам-мога айланган коронавирус пандемияси даври-да, шунингдек, турли табиий офатлар, фавқу-лодда ҳолатлар туфайли эн-юртимиз бошига туш-ган синовли кўнларда мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини барта-раф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани учун...” муқофотланади.

Хавф-хатарга қарши курашда ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиш замирида ҳам аслида олижаноблик ётибди, бошига иш тушган одамлар дардига дармон бўлиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга бeғараз кўмак бериш ҳам меҳр кўрсатишдир, саховатли ишдир.

Дунёда коронавирус пандемияси ҳўм сураёт-ган шарoитда, кам таъминланган оилаларга саҳо-ватпеша кишилар кўрсатаётган ёрдам, юртимиз-нинг баъзи худудларида юз берган фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган одамларга бутун мамлакат кўрсатган кўмак меҳр-саховатнинг ёрқин тимсоли бўлди.

Кундалик ҳаётда аҳолининг ижтимоий ҳимоя-га муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлаш, хайрия маблағларини ажратиш, айниқ-са, тақдир тақозоси билан қийин аҳолга тушиб қолган инсонларга ҳoмияйлик қилиш халқимиз-нинг қадим миллий қадриятларидир. Бунга тарихдан ва бугунги кундан қўлаб мисоллар келтириш мумкин.

Агар бирор халққа “Меҳр-саховат” кўкрак ни-шонини бериш муҳокама қилинадиган бўлса, “Бу нишонни ўзбек халқи кўсига тақш керак”, де-ган қарорга келинса ажаб эмас. Бундай фикрни айтишга асосларимиз етарли, албатта. Бир бур-да нонидан бир тилшамини ўзига олиб қoлиб, қолганини муҳтожларга бўлиб берган халқмиз, ўзгаларнинг етим қолган болаларини бағрига олиб, ўз боласидай меҳр кўрсатган халқимиз бор. Бошига синов тушган киши етти ёт бeгона бўлса-да, уйининг тўридан жой берган халқмиз.

“Меҳр-саховат” кўкрак нишонининг қадрли, аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, бу мил-лий қадриятларимизни янада мустаҳкамлайди, ёрдамга муҳтожларга меҳр-оқибат, саховат кўр-сатиш, кўмак бериш умуҳалқ ҳаракатига куч-қув-ват беради. Инсонни қадрлашдек эзгу туйғуларни-мизни мустаҳкамлайди, миллий қадриятларимиз-ни бойитади. Айниқса, ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда бебаҳо аҳамият касб этади. Бундай қадри юксак муқофотнинг таъсис эти-лиши ҳаммамизни қувонтириди. Халқимизнинг қалби меҳр-саховатга тўлалигини яна бир бор ҳис этасан киши. Ўзбекистон кўксига “Меҳр-саховат” нишони порлаб тургандек бўлиб кўринади.

Сафар ОСТОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Коронавирус пандемияси шарoитида жаҳон саноати оғир даврни бошдан кечирмоқда. Айниқса, металлургия ва металларга чўқур ишлов бериш соҳасида ишлаб чиқариш индекслари пасайиши кузатиляпти. Бунда карантинга оид чеклов ҳамда таққлар сабаб бўлдики, улар таъсирида глобал етказиб бериш “занжирлари”да узилишлар вужудга келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда пандемия таъсирини юмшатиш ҳамда иқтисодий тангликнинг олдини олиш мақсадида 16 та қарори қабул қилинди. Ўз вақтида қабул қилинган ушбу ҳужжатлар ва улар асосида белгиланган чора-тadbирлар натижасида йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш суръатларини сақлаб қолишга муваффақ бўлинмоқда.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Жумладан, карантин даврида респуб-ликаимизнинг етакчи саноат корхоналари-дан бири бўлган Олмалик кон-металлур-гия қўбинатида пасайиш қайд этилма-ди. Аксинча, ўсиш суръати таъминланяпти. Пандемия шарoитида республикамиз-да ўрнатилган карантин тартибига риоя қилган ҳолда, қўбинатимиз томонидан деярли барча инвестиция лойиҳалари из-чил давом эттирилмоқда.

Шунингдек, бугунги ана шундай мурак-каб бир вазиятда қўшимча равишда маҳ-сул ишлаб чиқариш имконияти ҳам ишга солинди. Қўбинат жамоаси зиммасига юклатилган мажбуриятлардан ташқари, қўшимча равишда 575 тонна мис катоди, 2000 тонна рух метали, 9500 кг. селен, 500 кг. теллур, 200 тонна мис купороси, 670 кг. рений, 70 кг. палладий, 16 тонна вольфрам, 33 тонна молибден штапиги, олтин ва қумуш ишлаб чиқаришни ўзига вазифа қилиб белгилаб олди.

Маълумки, инсоният мисдан асрлар да-вомида фойдаланиб келади. Бугунги кун-да ҳам жаҳонда металнинг ушбу турига бўлган эҳтиёж ва талаб ошса очиб бор-моқдаки, асло камайгани йўқ. Қайта иш-лаш саноати ҳам шулар жумласидандир. Миснинг ҳали ўрганилмаган хусусиятла-ри талайгина. Шу жиҳатдан республика-мизнинг бой табиий ресурслари салоҳи-ятини самарали ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 11 августдаги Тошкент вилоятига, хусусан, Олмалик кон-металлургия ком-бинатида ташрифи билан қўбинат ривожига янги давр бошланган эди. Ташриф доирасида қўбинат томони-дан янги “Ёшлик” конини ўзлаштириш бўйича берилган топшириқ ва кўрсат-малар ижросини амалга ошириш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

2018 йил август ойида Олмалик кон-метал-лургия қўбинати давлат-хусусий шериклик асосида “SFI Management Group” хорижий компанияси ишончли бошқарувига ўтка-зилди.

Қўбинат раҳбарияти ва “SFI Management Group” томонидан ОКМКда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этила бошланди. Шу жумладан, “Ёшлик I” конини ўзлаштириш лойиҳаси ижросига кенг қўламда киришилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу лойи-хани изчиллик билан амалга оширишга қa-ратилган ва жорий йилнинг 15 майида имзо-ланган “Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кенгайтириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарор ҳам ало-ҳида аҳамиятга эга. Унга мувофиқ, “Ёшлик I” конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳаси до-ирасида бунёд этилаётган 3-мис бойитиш фаб-рикаси чиқиндиларини сақлаш ва инфрату-зилма объектларини қуриш учун вилоятимиз ҳудудидан 3 768,8 гектар ер майдони ажратил-моқда.

Куни кеча мамлакатимиз раҳбари то-монидан қўбинатнинг истиқболини бел-гиловчи яна бир муҳим тарихий ҳужжат — “Олмалик КМК” АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металлур ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қўшим-ча чора-тadbирлар тўғрисида”ги қарор имзоланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Олмалик кон-металлургия қўбинатида металлургия мажмуалари ва янги 2 та мис бойитиш фабрикасини бунёд этиш орқали мис ҳамда олтин ишлаб чиқариш ҳажмини 3 бараварга, мис ишлаб чиқа-риш кўрсаткичларини 400 минг тоннага, олтинни 50 минг тоннага ва қумушни 270 минг тоннагача етказиш назарда тутилган. Қўбинатнинг ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш,

конини ўзлаштириш ва минерал-хом ашё ресурсларини қайта ишлашда энг илғор технологияларни татбиқ этишга йўналтирилган мазкур қарор инвестиция лойиҳаларимизни жадал давом эттириш-да муҳим омил бўлиб хизмат қиладди. Асосийси, бу инвестиция лойиҳаси 10 мингдан зиёд иш ўринлари яратилиш-ига замин бўлади.

“Ёшлик I” конини ўзлаштириш лойи-ҳасини икки босқичда амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, унинг бирин-чи босқичида 2020 — 2024 йиллар даво-мида “Ёшлик I” кони ўзлаштирилади ҳамда йилига 60 миллион тонна маъдан-ни қайта ишловчи янги 3-мис бойитиш фабрикаси қурилади. 2021 — 2025 йил-лар мoбайнида ҳаётга татбиқ этилади-ган иккинчи босқичда Мис эритиш заво-ди ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Лойиҳанинг биринчи босқичи рўёбга чиқарилиш натижасида қўбинат томо-нидан маҳаллий ҳам ашёдан олинадиган мис катодининг ҳажми 108 минг тонна-дан 290 минг тоннага, олтин 15 тонна-дан 38 тоннага, қумуш 96 тоннадан 203 тоннага етказилишига эришилди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида 2022 — 2027 йилларда қарьер кенгайти-рилади, шунингдек, йилига 50 миллион тонна рудани қайта ишловчи янги 4-мис бойитиш фабрикаси қурилади. 2024 — 2028 йилларда металлургия маж-муаси объектларини лойиҳалаштириш, ускуналарни етказиб бериш, қурилиш ишларини бажариш орқали йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишда мис ка-тодини 400 минг тоннага, олтинни 50 тон-на ва қумушни 270 тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 8 мил-лиард 275 миллион долларни ташкил этади.

Бугунги кунда лойиҳани амалга оширишни жадал-лаштириш учун уч сменада иш ташкил этилиб, тоғ-кон юмушлари юқори суръатлар-да олиб борилмоқда. Конда бир минг 509 нафар ишчи-ҳодим фаолият кўрсатиб, жами 330 дона турли русум-даги кон техникаси жалб этилган.

Маъдан қатламига етиш учун 117 миллион тонна туп-роқ ва тоғ жинслари қазиб чиқарилиди.

Қазиб олинган рудани 3-мис бойитиш фабрикасига ташиш учун қуриладиган кон-вейер ва ускуналарни етказ-иб бериш бўйича танлов якунланди, шартномалар расмийлаштирилмоқда. Конвейерларни қуриш учун трассани тайёрлаш ишлари бошланди ва 2,7 миллион куб метрдан ортқ ҳажмда туп-роқ ишлари бажарилди.

Йиқил қуввати 60 мил-лион тонна бўлган 3-мис бойитиш фабрикасини қуриш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Объект қурилиши учун зарур бўлган инфратузилма ва йўллар барпо этилаётир. Бундан ташқари, фаб-рикасини бунёд этиш учун 1,2 миллион куб метр тупроқ ишлари бажарилди.

Умуман, қўбинатимизда карантин шарoитида ҳам ишлаб чиқариш жадал суръатда, инвестиция лойиҳалари эса изчил давом эттирилмоқда. Бизнинг фаолиятимиз мамлакатимиз металлургия саноати учун катта хисса бўлиб қўши-лаётганидан мамнунмиз.

Абдулла ХУРСАНОВ,
«Олмалик кон-металлургия қўбинати» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ҲАР БИР ИШДА ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР, АКС ҲОЛДА...

Бугунги мураккаб вазият, глобал пандемия шарoитида мамлакатимиз аҳолисини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Коронавирус ҳар дақиқда одамлар ҳаётига хавф солиб турган бир пайтда айрим юртдошларимизнинг карантин қоидаларига риоя этмаётгани кишини тавашвишлантиради, албатта. Ахир мамлакатимизда ушбу виргусга қалинган беоморларнинг тузалиб, соғайиб кетиши учун қанчадан-қанча маблағлар ажратилмоқда. Наҳотки, буни тушуниб, ағнаиб этиш шунчалар мушкул?!

Юртимизда давлат раҳбаридан тор-тиб, тиббиёт ҳодимлари, ҳoмияйлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ва-киллари, қўйингки, бутун жамият бир-лашиб, бу офатга қарши курашяпти. Шунинг барoбарида, Ўзбекистонни иқтисодий тараққий эттириш масала-си кун тартибидан тушгани йўқ. Буларнинг барчаси оғир вазиятларда ҳам халқимизни қўллаб-қувватлаш, фаровон яшашларини таъминлашга қаратилган эзгу ташаббуслардир.

Ана шундай шарoитда баъзи катта-кичик раҳбарлар қайсидаир майда иж-тимоий масалалар гирдобида қолди ёки ташаббускорликда нўноқлигини

кўрсатиб қўйди. Ахир улар ҳозирги вақтда аҳолининг даромадларини ошириш, уни ижтимоий қўллаб-қувват-лаш билан кўпроқ машғул бўлиши керак-ку!

Фидойилик — алоҳида фазилат. “Оғир шарoитда фидойи бўлмаган раҳ-бар — хиёнатчи”. Президентимиз

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИНГ ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ ЯНАДА ОШАДИ



1

Халқимиз асл санъатни ҳақиқат қадрлаган. Ушбу жиҳат Фармонда ҳам ўз ифода-сини топди. Унга мувофиқ, давлат органлари ҳамда ташкилотлари тизимидаги концерт, маданий саройлари ва бошқа муассасаларда тўлиқ жонли ижро асосида ўтказиладиган концерт-томоша дастурлари учун ижара тўлови-дан 50 фоиз чегирма бериш тартиби жорий этилмоқда. Бу нимаси билан аҳамиятли? Аҳамияти шундаки, бу халқимизнинг жонли ижоддан баҳрамандлик даражасини оширибгина қолмай, санъаткорларнинг ўз устида кўпроқ иш-лашлари, илҳомланишлари ҳақиқий ижод намуналарини туҳфа этишга ундайди. Бинобарин, шу вақтга қадар тайёр ашулага оғзини қимирлатиб, томоша қўётган ҳам, қўшишга меҳрини, қалби қўрини қўшиб, жонли қўйлаётган ҳам бир хил ижара ҳақи тўлаб келарди. Аниқроқ айтганда, концерт бераётган санъаткорларнинг чинакам меҳнат қилаётганларига ҳам, уни бир оз айланмиш ўтиб, қаддини уриб юрганларига ҳам бир хил муносабатда бўли-нарди. Мазкур ҳужжат билан адолатнинг тикланиши — жонли ижро соҳибига муайян им-тиёзлар қўзда тутилаётгани ижодкорларнинг ҳақиқий санъатга қарашини ҳам ўз-гартаришига шубҳа йўқ.

Айниқса, бу соҳага энди қадам қўйган ёшларни халқ меҳрини қозонишда осон йўлдан бормасдан, кўпроқ меҳнат қилишга чорлайди. Шу билан бирга, 50 фоизлик чегир-ма концерт чипта нархларининг арзонлашуви ҳам хизмат қилади.

Бугун халқимиз орасида ёш истеъодлар кўпчилигини ҳам-мамиз яхши би-ламиз. Баъзан уларнинг ижод намуналари тур-ли интернет сайт-лари ва ижтимоий тармоқлар-да тарқалиб, кенг эътироф ҳамда олқишларга са-баб бўлади.

Юқоридаги ҳужжатларда ана шундай ёш истеъодларни излаб топиш, уларнинг таъ-лим олиши ва иқтидорини намоён этишига шaroит яратиш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгилан-моқда. Жумладан, ана шу йўлда “Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот-мултимедиа маркази” давлат муассасаси, бошқа-ча айтганда, продюсерлик маркази ташкил этилмоқда. Шунингдек, эндиликда нота-лар тўпламлари ва махсус мусликий адабиётлар Давлат бюджетни маблағлари ҳисо-бидан чоп этилиб, таълим муассасаларига тўлиқ еткази-б бериллади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбе-кистон давлат консервато-риясининг Ўзбек мақом санъати факультети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналиш-лари ҳамда мутахассислик-лари негизига Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий му-сика санъати институти таш-кил этилаётгани “Ёшлари-миз миллий санъатимиздан узоқлашмоқда”, деган хаво-тирлар билдириладиган бу-гунги даврда халқимизнинг кўнгилдаги иш бўлди. Бу аж-додларимизнинг бебаҳо ма-даний меросини илмий асосда ўрганишга шaroит яратибгина қолмай, ёш иқтидорларни тарбиялаш, миллий санъатимизни кенг тарғиб этишга имконият ҳозирлайди.

Шу ўринда кейинги йил-ларда юртимизда мақом ва бахшичилик санъатини яна-да ривожлантиришга алоҳи-да эътибор қаратилаётгани-ни таъкидлаш лозим. Президентимиз ташаббуси билан Шахрисабз шаҳрида

Халқаро мақом санъати ан-жумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъа-ти фестивалининг анъана-вий тарзда ўтказилиши йўлга қўйилганига нафақат халқимиз, балки бутун дунё ахли юксак баҳо берди. Зо-тан, бугун инсоният ўта му-раккаб даврни бошдан ке-чирмоқда. Жаҳонда сиёсий қурашларда гоё ва мафку-ралар, турли ахборотлар бош қурол сифатида фой-даланиляпти. Одамлар онгу дунёқарашини эгаллаб, халқларнинг узоқ йиллик ма-даниятини тубдан емириш-га, шу орқали уларни маъ-навий қарамликка дучор этишга ҳаракат қилинмоқда.

Мустамлакачиликнинг бундай замонавий кўриниш-ларидан ҳимояланганининг бирдан-бир йўли халқимиз маданиятини юксалтириш-дир. Давлатимиз раҳбари-нинг асрлар оша ажодлар-дан-авлодларга ўтиб ке-лаётган ноёб санъат наму-наларини янада чуқурроқ ўрганиш, кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшлар қалбига уларга нисбатан ҳурмат ва сadoқатни шакллантириш бўйича олиб бораётган иш-ларидан кўзланган мақсад ҳам шу. Мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадр-лар тайёрловчи таянч олий ўқув юртининг ташкил эти-лиши бу борадаги ишларга камарбаста бўлиши, шубҳа-сиз.

Маълумки, инсоннинг диди ва дунёқарашини шакллантиришда театрининг ўрни бекиёс. Шу боис ҳуж-жатда театрлар фаолияти ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Очиғи, театр соҳаси риво-жига шу вақтга қадар бугун-гидек эътибор бўлган эмас. Ҳар бир театрининг моддий-техника базаси замонавий андозларга мослаштирил-моқда. Жамоаларнинг гас-трoллари, чет эл сафарлари-га зарур шарт-шaroитлар яратиб берилган. Шунга қарамай, томошабинларни оммавий жалб қиладиган, санъатимиз тарихида юксак маданий воқеа бўладиган спектакллар яратилмаётга-нини ҳам афсус билан тан олишга мажбуримиз. Фармон билан хусусий театрларнинг ҳам ҳар то-м о н л а м а қўллаб-қув-ватланаётга-ни, хусусан, Маданият ва-зирлиги то-монидан ҳа-рид қилин-ган, оммавий и ж р о г а мўлжаллан-ган драма-тик, мустика-ли ва муси-қали-драма-

тик асарларни хусусий театрларда ҳам сахналашти-риш ҳамда ижро этишга рух-сат берилмаётгани соҳада ра-қобатбардошликни ошириш-га, ижодкорларнинг ўз иши-га масъулиятини янада ку-чайтиришга туртки бўлади. Шунингдек, маданият мас-канларини ўз репертуарла-рини гоёявий-бадний жиҳат-дан юксак, бугунги кун на-фаси, одамларни ўйланти-раётган, ҳаяжонга солаётган жиҳдий ижтимоий муаммо-лар ўз аксини топган спек-такллар билан бойитишга ундаши тайин.

Мурғак қалбларда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ҳамда ёмонлик ҳақидаги тасаввур-лар қўйғирчоқ театри сахна-сида жонланган қаҳрамон-лар орқали шаклланади, десак, ҳато бўлмас. Шу боис қўйғирчоқ театрлари мавжуд бўлмаган Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятла-рида уларни ташкил этиш, ўз биноларига эга бўлмаган Қашқадарё ва Хоразм вило-ятларида қўйғирчоқ театрла-ри биноларини қуриш ҳамда жиҳозлаш белгилангани ёш авлод қамолтиришда му-ҳим қадамлардан биридир. Бой тарихи, Ўзбек миллий қўйғирчоқ театри мактаби-нинг шаклланиши ҳамда ри-вожланиш бекбёс хиссасини инobatга олиб, Республика қўйғирчоқ театрига Ўзбек Миллий қўйғирчоқ театри но-мининг берилиши ҳам соҳа равнақида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳужжатга мувофиқ, цирк-лар ва ҳайвонот боғлари фаолиятида ҳам ихобий ўзгаришлар амалга оширилади. Масалан, 1990 йилдан буён таъмирланмаган, ша-роитлари бугунги замон та-лабларига жавоб бермайдиган “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси бино ва иншоотлари тўла рекон-струкция қилинди, муассаса учун қўшимча равишда ҳайвонларни сақлаш хонала-ри қуриш ҳамда замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари бажарилди.

Шунингдек, мамлака-тимизнинг ҳар бир ҳудудида кўчма цирклар, дорбозлар гуруҳлари ҳамда ҳайвонот боғлари ташкил этилиши ва доимий фаолият юритиши белгиланмоқда.

Дорбозлик санъати қадимдан отамерос касб си-фатида авлоддан-авлодга ўтиб келган, элимизнинг тўғи-тантаналарини безаган. Ҳозирги кунда ҳам оммавий сайил деганда кўз ўнгимиз-да дорбозлар полвонлар-нинг бир-бирдан қизикар-ли чиқишлари жонланади. Айтиш жоизки, бутун дунё-да дорбозлар 7 метр балан-ликда томоша кўрсатса, шу йўналишдаги Ўзбек санъат-корлари 12 метр юксаклик-

да ўз ўйинларини намойиш этади. Афсуски, ушбу бена-зир майдон томошаси бу-гунги кунга келиб, йўқолиш арафасида эди. Фармон би-лан бу санъат тури ҳам эн-диликда ўз қадрини тиклай-ди, дейиш мумкин. Белги-ланганидек, давлат органла-ри ҳамда ташкилотлари ти-зимидagi маданият ва ис-тироҳат боғлари, спорт иншоотлари, сайилгоҳлар ҳамда бошқа очик ҳудудлар-да кўчма циркларнинг томо-ша тadbирлари ўтказишига ижара, солиқ тўловлари бўйича турли имтиёзлар бе-рилмоқда.

Соҳани етук билимли кадрлар билан таъминлаш мақсадида Респу-блика ихтисос-лаштирилган естрада ва цирк мактаби Республика естра-да ва цирк колле-жига айлантири-либ, унга ушбу таъ-лим муассасаси асосчиси Карим Зарипов номи бе-рилди. Коллеж учун Ўзбек давлат цирки ҳудудида янги бино қурилад-и, шу билан таъ-лим ва амалиёт уйғунлигига эриши-лади.

Музейлар ва ма-даният бойликлари-нинг тadbик этиш фаолиятининг самарадорли-гини ошириш ҳам ҳужжат-нинг асосий йўналишлари-дан биридир. Мисол учун, 2025 йилгача бўлган муд-датда ҳар бир туман ва ша-ҳарда ўлкашунослик музей-ларини ташкил этиш, улар-нинг экспонатларини бо-йитиш, асраб-авайлаш ва ҳодимлари манфаъадорли-гини ошириш, шунингдек, бу борадаги ҳуқуқий асослар-ни такомиллаштириш қўзда тутилмоқда.

Давлат музейларида ҳар ойнинг биринчи кшанбаси “Очиқ эшиклар кун” деб эълон қилиниб, фуқаролар-нинг ушбу масканларга бе-пул кириб қўришига имкон яратилаётгани ҳам алоҳида эътиборга лойик. Зеро, бу халқимизнинг шонли тари-химиз ва ажодларимизнинг бебаҳо меросига доир би-лимларини бойитиш, қалб-ларда миллий гурурни юк-салтиришга хисса қўшади.

Ҳозирги кунда мамлака-тимиз бўйича 4748 та архе-ология, 2250 та архитекту-ра, 678 та монументал санъ-ат ёдгорлиги, 532 та диқ-қатга сазовор жойлар мод-дий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритил-ган. Уларни муҳофаза қилиш гоёт муҳим масала эканли-гини инobatга олиб, ҳужжат-

да Маданий мерос депар-таменти фаолиятини мут-лақо янги тамойиллар асо-сида ташкил этиш назарда тутилган. Мазкур департа-мент ваколатлари аниқ бе-гиланиб, фаолияти самара-дорлигини ошириш билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳал этилди. Ўз навбатида, маданий мерос объектлари-ни асраш ишларида илмий тadbикотларга таяниш за-рурлиги инobatга олиниб, Маданият вазирилиги ҳузури-да Маданий мерос илмий тadbикот институти ташкил этиладиган бўлди.

Хужжатга асосан, Маданият вазирилиги фаолияти ҳам янада такомиллаштирилмоқда. Унинг ташкилий тузилмаси белгиланиб, зиммасига аниқ вазифалар юкланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини 2025 йилга қадар амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Маданият ва санъат соҳасида давлат сёбатини амалга оширишда иштирок этувчи давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бориш мақсадида мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди.

Шунингдек, вазирилиги-миз томонидан келгусида фаолиятимизга доир он-лайн портални ишга туши-риш, маданият муассала-рининг кириш-чиқиш жой-ларига электрон турникет-лар ўрнатиш, электрон чипталар жорий этиш иш-лари олиб борилади. Бу соҳамизда шаффофликни ошириш, маданият муасса-салари фаолиятидан аҳолининг қулай ва осон фойдаланишини таъмин-лашда асқатади.

15 апрель санасининг “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ҳодим-лари кун”и деб эълон қили-ниши эса соҳада фаолият юритаётган ҳар бир инсон-га чексиз ғурур бағишла-шига ишончимиз қомил. Бинобарин, бу ҳам бизга қўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромнинг ҳаётида яна бир ифодасидир.

Хулоса ўрнида айтганда, маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳамда таъсирини янада ошириш-га қаратилган ушбу ҳуж-жатлар янги Ўзбекистон та-рихининг маданий пойде-вори бўлиб хизмат қилади.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
маданият вазири.

ЭЪЛОН

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 765-сон қарорига асосан, Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Ангрэн, Олмалик, Нурафшон, Янгийўл, Бекобод шаҳарлари бўш ҳудудларини махсус техникаси бор тadbиркорларга бириктириш мақсадида маишй чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатишни ташкил этиш учун e-auction.uz сайти орқали танлов эълон қилади.

Тadbиркорларни танловда қатнашишга таклиф этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги жамоаси вазириликнинг Давлат молиявий назорати департаменти директори ўринбосари — Бюджет қўнунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш бошқармаси бошлиғи **Улғубек ИШМУҲАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги жамоаси вазириликнинг Ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бўлими бош бошқармасининг Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни молиялаштириш бўлими бош иқтисодчиси

Алишер БАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ҚУРИЛИШ ВА АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ УЧУН ЮҚОРИ СИФАТЛИ ОЙНАЛАР

Уларни ишлаб чиқаришда «Асака» банки кўмаги қўл келмоқда.



Молия муассасаларида



Фаргона вилоятининг Қувасой шаҳридаги шиша маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Кварц” акциядорлик жамиятида бугунги кунда қарийб 3 минг юртодошимиз меҳнат қилмоқда. Корхонада амалга оширилган модернизациялаш тadbирлари тўғрисида дастгоҳлар, ускуналар янгиланди. Технологийаларнинг замонавийлашгани жамоа аъзоларини шошириб қўймади. Ишчилар уларни бошқаришни тезда ўзлаштириб олишди.



Жамият фаолияти ривож-ида молия муассасалари, хусу-сан, “Асака” банкнинг муно-сиб хиссаси бор. Жумладан, заводнинг янги флотат линия қурилиши лойиҳасига мазкур банк томонидан 36,4 миллион евро миқдориди кредит ажра-тилди. Натижада корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати сези-ларли даражада ортди. Яъни

метрчага бўлган силлиқланган ойна ишлаб чиқариш имкони-яти туғилди. Бу эса ички бозорнинг шу турдаги махсу-лотларга бўлган талабини қондириш ҳамда миллий авто-мобиль саноатимизга ойна етказиб бериш учун қулай шароит яратди.

Янги лойиҳа тўлиқ амалга оширилган, йилига ўртанча



Реклама ўрнида

дивиденд сифатида тўланади. Шунингдек, бу орқали 10 миллион АҚШ долларилик махсулот экспорт қилиниши, яна 300 га яқин иш ўринлари яратилиши, табиий газ ва электр энергиясини ҳозирига нисбатан тенг ярмига тежали-ши, махсулот таннарихи янада арзон бўлишига эришилади.

Бугун мамлакатимизда “Асака” банки билан ҳамкор-лик қилиб, ҳам ўзи даромад кўраётган, ҳам иқтисодиёти-мизга нафи тегаётган ишлаб

чиқариш қувватлари талайгина. “Кварц” акциядорлик жамияти улардан бири бўлиб, юқорида келтирилганларимиз унинг фа-лолиятдан бир парча, холос.

Банк билан ҳамкорлик қи-лаётган бу каби корхоналар хуусида кейинги мақоалалар-да батафсил тўхталамиз.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Тахриратта келган қўёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг мазмунини берилиши учун ошунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахриратта компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.40 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 556. 39 906 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқувлар 71-232-11-15.

